

Германия Федерал ташқи ишлар вазири Иозеф Фишер Ўзбекистон Республикаси ташқи сийosat маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан учрашди.



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 27 ноябр, чоршанба №187 (1404)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишда ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишида уларга қўйиладиган талабларни бирхиллаштириш, савдо корхоналарининг савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарлигини ошириш мақсадига Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йил 1 декабрдан бошлаб улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар амалга ошириладиган савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарликни таъминлайдиган миқдорларда устав жамғармасига ва бошқа активларга эга бўлиши шарт бўлган тартиб белгилансин.

«Эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштирилган юк божона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлган, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар тўланган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

до фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

## ҚИШДА ГАЗ КАМАЙМАЙДИМИ?

Совуқ кунлар бошланиши билан кўпчилик хонадонларда газ босими пайсайд кетиши аҳолида хавотир уйғотади. «Ўзкоммунхизмат» агентлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда аҳолини газ билан таъминлашда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадига «Бошқоммунгаз» корхонасининг «Газтаъминот» шўъба корхоналари томонидан қишга пухта тайёргарлик қилинган.

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қабулхонасида МЕХНАТКАШ мушкулин осон этиб

Эшик тақиллаб, нуруний бир киши хонага кириб келди. Кўринишидан бироз асабийлашган шундоққина сезилиб турарди. Қабулхона ходими уни илик кутиб олди.

## Яқинда Республика Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда мазкур комиссия аъзолари, шунингдек, Тошкент шаҳар, Тошкент, Навоий, Самарқанд ва Сирдарё вилояти ҳокимлари ўринбосарлари — комиссия раислари ҳамда Корақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари иштирок этдилар.

## МОСКВАДА АЛИШЕР НАВОЙИГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛДИ



Инсон борки не-не орзу-умидлар билан яшайди. Эл-юртга нафи тегса, савоби ишларни рўёбга чиқаришга баҳоли-қудрат хисса қўша ўзини бахтли инсон, деб билади.

Россия Федерацияси пойтахти - Москва шаҳрида буюқ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди.

Ҳайкал муаллифи - Ўзбекистон санъат арбоби Равшан Миртожиев. Ёдгорлик меъмори - Москва шаҳри бош меъмори Александр Кузмин.

Ҳайкалнинг тантанали очил мажмуида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Москва шаҳар мэри Юрий Лужков иштирок этди.

## ҚУВОНЧ УЛАШДИ

Жалолқудуқ тумани Ойим қишлоғида истиқомат қилувчи аҳолининг 700 нафари ишга туширилган «Ойимтўқимачи» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига ишга жойлашди.

## Кодиржон Жўраев бошлиқ Кўргонтепа шаҳар фуқаролар йиғини маслаҳат кенгаши аъзолари раиснинг хонасига йиғилдилар.

Улар Аҳмаджон Ҳамроқуллов оиласининг кам таъминланганлиги ҳақида гапирди. Хуллас, ушбу хонадонга моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан бир тўхтамга келинди.

## Ижтимоий Ҳимоя

ларини бермоқда. Янги иш ўринларини яратиш бўйича туман ярмақаларида йиғин жамоаси оғоҳлик бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам кўрилди.

## Ишонч

Ишонч - бу ҳаққонлик, адолат, эриш-қўриқ. Ишонч ҳиссиётини тарбиялаш - бу ҳар бир инсоннинг вазифаси.

## МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Оқсоқол бошлиқ фаоллар хонадонга қараб йўл олдилар. Бемор маҳалладошларининг қадам ранжидасидан боши осмонга етди.

ларга самарали фаолият юритишлари учун ер ажратиш, ускуна ва жиҳозлар топиш, ишчи кучларини жалб қилишда, зарур меъёрий ҳужжатларни расмийлаштиришда яқиндан қўмақлашмоқда.

фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда 20 нафар шаҳарлик ёшлар қайта тайёрловдан ўтиб, янги иш ўринларига эга бўлдилар.

## Республика Бош прокуратурасида ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

қилиниши аҳоли муҳокама қилинди. Мамлакатда иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида ғамхўрлик қилиниб, кейинги икки йилда 39 нафар иқтидорли ўқувчи ва ўқитувчилар Зулфия давлат мукофоти билан тақдирландилар.

даларда 10 та олтин, 13 та кумуш ва 37 та бронза медалларини қўлга киритишган.

одобли бола-мамлакат фахри» кўрик-танлови намунали ташкил этилиб, иқтидорли болалар таҳсил олаётган 5 та мактаб халқроқ ташкилотлар грантларининг соҳиби бўлишган.

зомиё ва маъмурий жавобгарлиги қонуний ҳал қилинган. Боввўтда 6 миллион сўм, Оқолтинда 74 миллион сўм, вилоят мукамал қурилиш бошқармасида 20 миллион сўм бюджет маблағлари ноқонуний тасаруф этилганлиги ва талон-таъриқ қилинганлиги фош қилиниб, айбдорларнинг муқаррар жазога тортилиши ва моддий зарарни қоплатиши таъминланган.

# МЕХНАТКАШ

## мушкулин осон этиб

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, қабулхонадагилар шикоятларнинг белгиланган муддатда тўлиқ ҳал этилишида Федерация Кенгаши раёсатининг 2001 йил 5 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартиби»га биноан фаолият кўрсатишмоқда. Мурожаатлар ўз навбатида Федерация Кенгаши бўлимлари, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгашлари, тармоқ қасаба уюшмалари Марказий кўмиталарида ўз вақтида кўриб чиқилишига эришилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мурожаатларнинг кўпчилиги қисми асосан ноқонуний равишда ишдан бўшатиш борасида бўлиб, уларнинг аксарияти агросаноат мажмуи, давлат муассасалари, таълим ва фан, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати тармоқларининг меҳнаткашларидан келмоқда. Шу мазмундаги аризаларнинг кўпчилиги ижобий ҳал этилиб, қолганлари юзасидан тегишли тушунтиришлар берилмоқда ёки меҳнат можароларини кўриб чиқиш учун тегишли суд органларига юборилапти.

Масалан, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бўлим бошлиғи фуқаро Синдоровдан ноқонуний равишда ишдан бўшатирилганлиги ҳақида ариза келиб тушди. Республика агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси ҳамда Федерация Кенгашининг мутахассислари унинг аризасида баён этилган ҳолатларни синчиклаб ўрганиб чиқишди ва қатъий ҳаракатга тушишди. Шундан сўнгра вазирликнинг 34-к сонли буйруғига биноан у яна ўз вазифасига қайта тикланди.

Навоий вилоят Хатирчи туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи, туман санитария-эпидемиология назорати врачининг ёрдамчиси Ҳасан Рўзиқулловнинг шикояти ҳам унинг ноқонуний равишда ишдан бўшатирилганлиги ҳақида эди. Республика Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси ҳамда Навоий вилоят қасаба уюшмалари кенгаши ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳақиқат қарор топди. У қайта ишга тикланди. Шу билан бирга республика Меҳнат Кодексининг 188-моддасига биноан мажбурий бекор юрган кунлари учун унинг ўртача ойлик маоши ундириб берилди.

Самарқанд вилоят агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма кўмитасига Каттакўрғон туманидаги «Мойбулок» ширкат хўжалиги ишчиси, иккинчи гуруҳ ногирони Я.Шоимов мурожаат этиб, маъмурият томонидан унинг соғлиғига етказилган зарар учун тўланадиган тоvon пули асосида равишда тўхтатиб қўйилганлиги ҳақида шикоят қилади. Қасаба уюшма мутасадди ходимларининг ҳаракатлари натижаси ўлароқ хўжалик ҳисобидан унга тўланмай қолган 27 кун 850 сўм ҳақ шикоятчининг розилиги билан озиқ-овқат махсулотлари кўринишида ундириб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Федерация Кенгаши фуқаролардан келаётган шикоят ва аризаларни кўриб чиқишда республикамизнинг давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Масалан, Олий Мажлис томонидан «2-Тошуйқурилиш»нинг собиқ ишчиси А.Мавлонов аризаси кўриб чиқиш учун Федерация Кенгаши ихтиёрига юборилган эди. У Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгашида ўрганиб чиқилди. Натижада фуқаро А. Мавлоновнинг соғлиғига етказилган зарар учун тўлов миқдорини белгиланишида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. 2001 йилда чиқарилган 2-сонли буйруққа асосан тўланмаган 67 минг 897 сўм, бир йўла берилмаган нафақанинг 223 минг 920 сўмлик индексацияси тўланиши белгиланди. Соғлиққа етказилган зарар учун тўланадиган ойлик тоvon пули эса 13 минг 328 сўм этиб тайинланди. Шу тарихида фуқаронинг ҳам ёзган аризаси ўзининг ижобий ечимини топди.

Меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаш шартлари бузилаётганлиги ҳақидаги мурожаатлар ҳам тез-тез келиб турибди. Жойлардаги қасаба уюшма органлари бундай шароитда ҳам қонун юзасидан иш тўтиб, меҳнаткашларнинг манфаатларини дадил туриб ҳимоя қилмоқдалар.

«Оҳангаронқурилиш» ҳиссадорлик жамияти ишчиларидан ҳам ойлик маошини ўз вақтида ололмаётганликлари ҳақида шикоят тушганди. Мазкур ариза ҳам ҳар томонлама кўриб чиқилди. Кечиктирилган иш ҳақи ундириб берилди. Шунингдек, Самарқанд вилоят агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма кўмитасининг дадил ҳаракатлари натижасида Озода Самованин орти ойдан буён ололмаётган нафақа пули кўлига теғди.

ЎзКУФК жойлардаги қасаба уюшма органларининг ана шундай ҳолис хизматлари учун меҳнаткашлардан миннатдорчилик мактублари тез-тез келиб турибди. Улар ўз мактубларида шикоятчилар билан ишлашни янада яхшилаш юзасидан ўз тақлиф мулоҳазаларини ҳам билдиришмоқда.

Неъмат РАФИҚОВ,  
«Ишонч» мухбири.



Тўрақўрғон туманидаги машина-трактор паркида 176 нафар ишчи-хизматчи самарали меҳнат қилмоқда. Айти пайтда тумандаги 7 минг гектар майдонда шудгорлаш ишлари олиб бориляпти. Механизаторлар ушбу долзарб вазифани тез кунларда тугаллашга аҳд қилишган.

Суратларда: техника иҳлосмандлари тракторларни кўздан кечиришмоқда.

И.ҲАСАНОВ  
олган суратлар.



## Ўзбекистон Конституциясининг 10 йиллигига

**Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир давлат ва халқ тараққиёт юзасидан ўзига хос йўлни танлайди, янги жамият яратишда ўз андозасини ишлаб чиқади. Биз яратган демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлатнинг макссади ҳам ва айти фуқароларимизнинг турмушини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, миллий, маънавий, ахлоқий баркамоллигини таъминлашдан иборатдир. Зотан, Ўзбекистон Конституцияси бизнинг фахр ва ифтихоримиз рамзи сифатида эзгу макссадларимизнинг ҳуқуқий кафолати ва асоси бўлиб хизмат қилмоқда.**

# ФАХР - ИФТИХОР РАМЗИ

Маълумки, Конституция-миз инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат қуришдан иборат олижаноб макссадни эълон қилди. Бу макссад Ўзбекистон тарихида биринчи марта олий қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Соҳибқирон Амир Темур «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», деган эди. Бугун Ўзбекистонимизнинг ички ва ташқи сиёсатида Конституция-мизда кўрсатилган қонун-қоидалар асосида иш олиб борилаётганлиги туфайли халқимиз тинч-осуда турмуш кечириб, ҳалол меҳнат қилмоқда. Комусимизнинг 128 та моддасидан 60 тадан зиёди шахснинг ҳуқуқий мақомига ва фуқароларнинг эркинликларига дахлдордир. Конституция асосида кейинги ўтган давр мобайнида «Жиноят кодекси», «Жиноят процессуал кодекси», «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги, «Фуқаролик кодекси» сингари қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар инсон ҳуқуқлари, иқтисодиёт, давлат бошқаруви, жамият тизими, маданият ва халқаро муносабатлар соҳасидаги муҳим вазифалар ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилди.

Жаҳон таърихисига кўра, ҳокимият демократик механизмнинг қурилиши ва фаолият кўрсатишини ҳокимиятлар тақсимланиши принципларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аслида ушбу принципларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши ҳам шарт эмас. Масалан, АҚШ Конституциясида бу принцип эътиб қўйилмаган. Асосийси, унинг ҳаётда амалиётда қўлланишидир. Ҳокимиятлар тақсимланиши - ҳар қандай демократик давлатнинг ҳокимиятни ташкил этиш асосида ётувчи ҳам сиёсий-ҳуқуқий доктрина, ҳам конституциявий принциплардир. Республика-миз Конституциясида ушбу принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши масала моҳиятини янада оширади.

Мазкур доктринада қадимги Эллада (ҳозирги Греция) ва Рим дошномандлари Платон, Аристотель, Эпикур, Плибий ва бошқалар томонидан таҳлил этилган эди. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг «классик» шакли асосчиси Жон Локк (1632-1704) ва француз файласуфи Шарл Монтескье (1689-1755)лардир. Ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга бўлиниши, Локкнинг фикрича, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Ҳокимият тақсимланиши принципага асосан Ўзбекистон Парламенти фақатгина қонунчилик ваколатларини амалга ошириш билан чегараланмасдан баъзи назорат вазифаларини ҳам бажари-

ши зарур. Бу талабни Конституция 78-моддасининг 17, 18, 19-бандларида белгиланган республика Президентининг ҳуқуқ яратувчилик соҳасидаги ваколатларини назорат қилиш юзасидан унинг фармонларини тасдиқлашда, 8-бандда белгиланган республика бюджетининг ижросини на-

зорат этиш ҳуқуқида, 93-модданин 7-бандига кўра Президентнинг Олий Мажлисга ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этишида ва бошқаларда кўриш мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING  
КОНСТИТУЦИЯСИ

Эллада (ҳозирги Греция) ва Рим дошномандлари Платон, Аристотель, Эпикур, Плибий ва бошқалар томонидан таҳлил этилган эди. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг «классик» шакли асосчиси Жон Локк (1632-1704) ва француз файласуфи Шарл Монтескье (1689-1755)лардир. Ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга бўлиниши, Локкнинг фикрича, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Ҳокимият тақсимланиши принципага асосан Ўзбекистон Парламенти фақатгина қонунчилик ваколатларини амалга ошириш билан чегараланмасдан баъзи назорат вазифаларини ҳам бажари-

ши зарур. Бу талабни Конституция 78-моддасининг 17, 18, 19-бандларида белгиланган республика Президентининг ҳуқуқ яратувчилик соҳасидаги ваколатларини назорат қилиш юзасидан унинг фармонларини тасдиқлашда, 8-бандда белгиланган республика бюджетининг ижросини на-

зорат этиш ҳуқуқида, 93-модданин 7-бандига кўра Президентнинг Олий Мажлисга ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этишида ва бошқаларда кўриш мумкин.

Маълумки, Фармойиш - индивидуал, ташкилий хусусиятга эга ҳужжатдир. Президент чиқарадиган фармонлар ва Фармойишлар Конституция ва қонунлар асосида уларни бажариш мақсадида қабул қилинади. Президент чиқарган меъёрий ҳужжатларнинг

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги масала, зарурият туғилганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан ҳал қилинади (109-модда).

XX асрда халқ революциялари ҳамда миллий-озодлик ҳаракатларининг қучли таъсири остида колониал империяларнинг (мустамлақчиликка асосланган) инкйрози юз берди. Бу ҳол ўз навбатида 150 дан ортиқ янги давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Айтники, иккинчи жаҳон урушидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (1945 йил 24 октябрда БМТ Низоми кучга кирган) доираси янада кенгайди. Бугунги кунда унинг таркибиде 191 та мамлакат бўлса, шулардан 140 тасининг давлат сиёсий тизимида Президент лавозими жорий этилган.

Ривожланган қатор мамлакатларда давлат бошлиғи император (Япония), қирол (Испания), қиролича (Англия, Нидерландия) деб номланувчи монархия шаклининг мавжудлиги бу мамлакатларнинг ўз урф-одатлари, азалий анъаналари ва миллий қадриятларига гоят юксак ҳурмат билан қарашлари намунасида. Мустақил Ўзбекистонимизда эса миллий урф-одатимизга мос ҳокимлик институтининг ташкил этилиши, президентлик бошқарувининг жорий қилиниши миллий давлатчилигимизни барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Шундай қилиб, мамлакатимиз Конституциясининг амалга киритилиши (1992 йил 8 декабр) ҳақон майдонида янги мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини ва у фаол яшаб, меҳнат қилиб, собитқадам ички ва ташқи сиёсат олиб бораётганлигини белгиллаб берди. Демак, Ўзбекистон Президентимиз Исмоил Каримов Прага саммитида алоҳида таъкидлаганларидек, «хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади».

Кобилбек КАРИМБЕКОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

## Хабарлар оқимидан

### «ТЕЗ ЁРДАМ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Жойларда шошилинч тиббий марказларнинг ташкил этилиши аҳоли учун қўлайликлар яратди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1998-2005 йилларга мўлжалланган концепциясида жойларда шошилинч тиббий марказларни ташкил этиш кўзда тутилганди. Хозирда Бухоро вилоятининг кўпгина туманларида шу хилдаги марказлар фаолият юритмоқда.

Яқинда шундай марказлар сони яна биттага кўпайди. Жондор туманида замонавий шошилинч тиббий марказ ишга туширилиб, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Уттиз уринга мўлжалланган марказда 134 киши меҳнат қилади.

Уларнинг 17 нафари олий ва биринчи тоифали шифокорлар, 78 нафари эса тиббиёт ҳамшираларидир.

Марказ 26 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Бу эса жамоага замон талабига мос ишлаш имконини бермоқда.

### «САРИБАС» СУВГА ТЎЛДИ

Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни омушатиш мақсадида Амударё дельтаси бўйлаб кичик кўллар бунёд этилмоқда.

Шундай сув ҳавзаларидан бири, Мўйнок яқинидаги «Сарибас» кўли сувга тўлди. Кўлни ҳосил қилиш учун 7,1 километр масофада дамба қўрилди ва гидроиншоот қурилди.

- Мазкур лойиҳа халқаро Оролни қутқариш жамғармасининг Нукус филиали маблағи ҳисобидан амалга оширилди, - дейди «Мўйноксувқурилиш» акционерлик жамияти бош муҳандиси Бердибек Есенов. - Кўлдаги сув сатҳини бир маромда сақлаб туриш учун махсус сув ўтказгич орқали «Жилтирбас» кўлига қўйилмоқда.

«Туркистон-пресс» ва (ЎЗА)

(Бош 1-бетда)

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Гулистон тумани прокуратураси томонидан маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда бола-лар манфаатини ҳимоялаш учун сурункали равишда алимент тўламаётганлар ишга жойлаштирилиб, уларнинг 30 дан зиёидан фарзанди фойдасига 400 минг сўм миқдордаги алиментлар ундирилиб берилган.

Тошкент шаҳрининг С.Рахимов ва Шайхонтоҳур туманида комиссиялар ташаббуси билан умумтаълим мактабларидаги давлат ва жамоат ёрдамига му-

тож бўлган вояга етмаганларга ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Амнистия тўғрисидаги фармонга асосан жазони ижро этиш муассасаларидан келган 69 нафар вояга етмаганларнинг 32 нафари мустақил равишда ишга жойлашганлар, қолганлари комиссия томонидан қайта касбга ўқишга юборилган, иш билан таъминланган, уларга 1,4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

Ўқувчи ва талабалар ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Ўзбекистон теннис юлдузлари- Болаларга» ва бошқа шу каби спорт тадбирлари ташкил қилинган, Фарғонада ўтказилган спорт тадбирида Тошкент шаҳар ёшлари фахрли 1 ўринни эгаллашган.

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги мактабгача таълим муассасаси негизида ташкил этилган ва тарбияланувчилардан таркиб топган «Болалар

қўғирчоқ театри» ўтган йилда Республика кўриктинловида 1-ўринни эгаллаган, академик Ш.Воҳидов раҳбарлигидаги халқаро аэрокосмик мактабнинг филиалига 380 нафар мактаб ўқувчилари жалб қилинган.

Шунингдек, ҳомийлар ёрдами билан мактаблар учун сўнгги икки йилда Бўка туманида жами 600 ўринли 4та, Қибрай туманида 1980 ўринли 6 та, Зангиота туманида 1460 ўринли 3 та, Чинозда 450 ўринли 2 та, Тошкент туманида 360 ўринли 2 та,

Оҳангарон туманида 125 ўринли 1 та бино қурилишлари тамомланиб, фойдаланишга топширилган.

Шунинг билан биргаллик, таълим шароитларини яхшилаш, оналар ва болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, ўсмирлар муҳитида ҳуқуқ тартибдорлиги мустаҳкамлаш борасида қатор камчиликлар ўрин тутиб келаётганлиги таъкидланган.

Айтники, оналик ва болаликни муҳофаза

қилиш, ўсмирларга таълим-тарбия бериш, уларни мактабдан ташқари муассасаларга жалб этишда ўз ечимини топмай келаётган муаммоларга алоҳида ургу берилди.

Ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва жойлаштириш ҳамда уларга таъминот, таълим-тарбия беришда қонунбузилиши ҳолларига барҳам берилмаган.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш аҳоли

кўп жиҳатдан яхшилашни тақозо этади.

Тегишли вазирликлар, жойлардаги комиссиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини мақсадли мувофиқлаштирилишига эришилмаган.

Йиғилишда бу борда йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама қилиниб, комиссиялар фаолияти самардорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгиланиб олинди. Мухокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Республика Бош прокуратурасининг матбуот хизмати.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

СИҲАТГОҲГА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМА

Шу кун Аҳмадни табриклаш дўстлар учун чинакам қувончли воқеага айланган кетгани. Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмалари Бекобод тумани қўмитаси ташаббуси билан мактаб ташкилотлари расислари ўртасида «Балли раислар» беллашуви бўлиб ўтди. Унда 45-мактаб касабқўми раиси Аҳмад Алибеков голиб, деб топилиб, вилоят мусобақасига йўлланма олди. У вилоят беллашувида ҳам биринчиликни қўлдан бермади.

Туман мактабларида бундай оммавий тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда. Айниқса, «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан 27 нафар пенсионер ишлаб турган кишилар алоҳида эътиборга олиниб, турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Улар пойтахтимиздаги Ҳамза номли театр томошаларига таклиф этилдилар, сайёҳатлар уюштирилди. Ёз ойларидан пойтахтдаги вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш институти қошидаги профилактикада қариялар дам олдирилди. Бундан ташқари кексалардан 11 нафари санаторийларга, 6 нафари дам олиш уйларига йўлланмалар билан таъминланди.

Пенсиядаги ишлаб турган қарияларга ҳар ойда 25-38 минг сўмлик моддий ёрдам пуллари ажратиб, баҳоли қудрат уларнинг кўнгилларини кўтаряпти, — дейди касабга уюшма қўмитасининг раиси Ҳасанали Эралиев. — Уларнинг ҳар бирига имконият даражасида сов-

ға-саломлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам тарқатиб тураммиз.

Туман мактабларида ишлаб турган пенсионер аёллар ҳам эътибордан четда қолмапти. Уларнинг касб байрамлари муносабати билан ҳар бирига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Спорт ишлари ҳам ушбу туманда энг оммавий анжуманлардан бирига айлиб бораётганига амалда намоиш этилмоқда. 13-мактабда бўлиб ўтган қизиқарли спорт томошалари ҳақида ана шундай фикрни айтиш мумкин. Спортнинг беш тури бўйича ўқитувчилар ўртасида бошланган мусобақалар томошабинларнинг ҳаяжонли оқишлари остида ўтди. Фоллардан жамланган терма жамоа вилоят биринчилигида қатнашиб, футбол жамоаси учинчи, волейболчилар тўртинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Ўқитувчилик доимо янги билимларни эгаллаб, тажриба ва маҳоратни ошириб боришни талаб этадиган касб. Шунинг учун ҳам вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш курслари мунтазам ишлаб турибди. Касабга уюшма қўмитаси туман мактабларида малака оширишга бораётган ўқитувчиларнинг машғулотларни ўтиши билан бир вақтда саломатликларини ҳам тиклашлари учун шароит яратмоқда. Янги ўқув йили бошидан буён ҳар ойда 6-10 нафар ўқитувчиларга профилактика имтиёзли йўлланмалар берилмоқда.

Темур ХАЙДАРОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори асосида хўжалик хисобидаги «Қашқадарё улгуржитаминотсавдо» бирлашмаси ташкил этилган эди. Жамоанинг асосий вазифаси халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари, боғча, сиҳатгоҳ, қариялар ва «Муруват» уйлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Аммо дастлабки икки-уч йилни бирлашма зарар билан яқунлади. Баҳром Очилов раҳбарликка тайинланган, корхона фаолиятида жиддий ўзгаришлар юз берди. Илгари бошқарув маъмуриятининг ўзи ҳам ижарага бино олиб, фаолият кўрсатар эди. Тадбиркорлик ва фидойиллик туфайли «Наврўз» байрами арафасида замонавий маъмурий бинога эга бўлишди.

Айни чоғда бюджет маблағларидан оқилана фойдаланилапти. Давлат таъминоти муассасаларига бошқа савдо ва тайёр-

Қирғули туманидаги Фаргона ёғочни қайта ишлаш оқик турдаги хиссадорлик жамиятида сифатли, бежирим стол-стул, ром-эшик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти.

— Шу йилнинг ўзида Политехника коллежи қурилиши учун қирқ миллион сўмлик ром-эшик ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. — Маҳаллий хомашё-чинор дарахтидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортмоқда.

Суратда: ишчи Отабек Холиқов. Муқимжон Кодиров (ЎЗА) олган сурат.

— Таъминотчилар ишидан розимиз, — дейди Китоб туманидаги «Пахтаой» болалар боғчаси мудири Махфуза Ганиева. — Уларнинг сазой-ҳаракати билан боғчамиз вақтида таъминланапти. Жамоа жорий йилнинг ўтган ойларида

Бор бўл, оқибат!

ларини ошириб бажариш билан бирга истеъмолчиларни юқори сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаб келишапти. Тизимда орттирилган

фирма жамоалари ўртасида ҳар бири 500 минг фойдаланиш учун 1,5 минг тонна картошка, 300 тонна пивё, кўплаб мевачева жамғариб қўйдилар. Қарши шаҳридаги 27 маҳаллаларда истикомат қилувчи ўзгалар ёрдамига муҳтож 78 нафар киши жамоа ҳомийлигига олинган. Уларга 3 миллион сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Таъминотчилар маҳаллаларда тез-тез бўлиб, қариялар, ногиронлар, кам даромадли оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга моддий ёрдам кўрсатишапти.

Иzzат ХИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

АСЛИ ДУНЁ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН

лов ташкилотлардан арзон, сифатли маҳсулотлар олиниши хисобидан жамоалар фойда кўрмоқда.

Ҳозирги кунда бирлашма 81 та соғлиқни сақлаш муассасалари, 316 та боғча, 29 та лицей, 10 та мактаб-интернат, 3 та «Муруват уйи», 1 та ногиронларни реабилитация қилиш маркази, 4 та ижтимоий таъминот муассасаларига хизмат кўрсатапти.

800 миллион сўмликдан зиёд пул айланмасига эришди. Қўлга киритилган ютуқларда иқтисодий ислохотлар моҳиятини чуқур тушушган Китоб туманидан Равабон Раҳматов, Шаҳриабзадан Саид Турсун, Қосондан Атакул Жалолов, Қарши шаҳридан Голиб Мустафоев, Қасби туманидан Султон Ҳамроев сингари фирма раҳбарларининг хизмати катта. Улар режа-

илфор тажрибалар оммалаштирилмоқда. Вилоятнинг Китоб ва Қосон туманларидаги улгуржитаминотсавдо фирмалари ҳоким ўринбосарлари, халқ таълими, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, молия бўлимлари раҳбарлари иштирокида семинар-кенгашлар ўтказилиб, тегишли тадбирлар белгиланди. Энг юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришган

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН

Айни кунда Фаргона вилоятидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 630 таси компьютерлаштирилган. 703 та замонавий компьютер синфлари бугун фарғоналик ўқувчилар ихтиёрида.

Ўтган йилда марказлаштирилган маблағ хисобидан 93.437 минг сўмлик компьютер синфлари Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилди. Бунинг натижасида шаҳар ва туманлардаги лицейлар компьютерлаштирилди.

— Таълим тизимини ислох қилишда хорижий ташкилотларнинг кредит ва грантларидан унумли фойдаланмоқдамиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Маҳаммадхон Ҳожаев.

— Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисоллар келтирсак. — Япония элчихонаси томонидан кичик лойиҳалар асосида 2001-2002 йиллар мобайнида вилоятимиздаги 15 та мактабга грантлар тақсимланиб, компьютер синфлари, видеокаўпайтириш ускунаси, нудеомагнитофон, телевизор, парта, доска, ўқув шкафлари, тикув машиналари ёрдам сифатида берилди.

Ўтган йили Жанубий Корея элчихонасидан ҳам бир неча компьютер ажратилди. Улар асосан Риштон, Қирғули, Ёзёвон туманлари халқ таълими бўлимларига

ва вилоят бошқармасига ўрнатилди. СОРОС жамғармаси томонидан Тошлоқ туманидаги 4- умумтаълим мактабига ўқувчиларнинг компьютер саводхонлиги бўйича билим, малакаларини ошириш, мактабда моддем, интернет алоқаларига аъзо бўлиш, электрон почта алоқаларини ташкил этиш мақсадида 5 дон, шу йил апрел ойида Фаргона шаҳридаги «Болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази» га 6 дон, замонавий компьютерлар олиб берилди.

Республика халқ таълими вазирлиги БМТ нинг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси билан ҳамкорликда «Мактаб бошқарувига информацион тизимни татбиқ этиш, ўқувчиларнинг ўқишда эришган ютуқлари мониторингини такомиллаштириш» лойиҳаси асосида тажриба-синво майдонлари ташкил этди. Жумладан, Қува тумани 4,37 мактаблар, Олтиариқ тумани 5, 39 мактабларга шахсий компьютерлар ажратилди.

ЮНИСЕФ ваколатхонаси томонидан кам таъминланган оила фарзандлари учун, «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатларга ўқув куроллари тўплами ва 10,5 миллион сўмлик дафтар, ручка, қалам олиниб, вилоятдаги ўқувчиларга тарқатилди.

Вилоятдаги таълим муассасаларига ҳомийлар биноларни таъмирлашга, ўқув қўлланмаларига, кам

таъминланган оила фарзандлари учун кийим-кечка ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун ўз миллионлаб беминнат ёрдам кўрсатишди.

Фаргона шаҳрида 2 йилдан буён АҚШ элчихонаси ҳомийлигида «Ёшлар маркази» фаолият кўрсатмоқда. Бу марказнинг асосий мақсади тил ўргатиш билан боғлиқ дастур асосида АКСЕЛС танлови (АҚШ да 1 йил муддатда ўқийдиган ўқувчилар) қатнашчиларини олдиндан тайёрлаш билан шуғулланади. Бундан ташқари вилоят педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ташкил этилган «Ресурс маркази» фаолият кўрсатмоқда. Бу марказ АКСЕЛС дастури йўналишида иш олиб боради. Хуллас, мустақиллик туфайли серкўёш юртимизнинг чекка ҳудудларидаги ўқув масканлари ҳам жаҳон андозаларига жавоб берувчи моддий-техника базасига, замонавий ўқув технологияларига эга бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг нури келажаги бўнёдкорлари бўлиши ўқувчи ёшларимизни билимли, зукко ёшларимизни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Истиқлол берган бу имкондан фарғоналик муаллимлар ҳам унумли фойдаланиб, таълим тизимида ислохотини изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ЯРМАРКАДА ШАРТНОМА ТУЗИЛДИ

Ангрен шаҳрида Тошкент вилояти товар ишлаб чиқарувчиларининг озиқ-овқат, ноозик-овқат ҳамда сановат моллари савдо ярмаркаси ўтказилди. Унда вилоят шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган 99 та корхона ҳамда хусусий тадбиркорлар ишлаб чиқарган 400 турдаги истеъмол товарлари намойиш этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ҳаётнинг тизимли раҳбарлиги Назира Эшматова. — Қарор амалга оширилди бошлагач, айрим мамлакатлардан келтирилатган сифатсиз кийим-кечак ва машиний буюмлар, муддатий ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига амалда чек қўйилди.

Туманимизда ишлаб чиқарилаётган, хусусан, «Ўзбекистон» фермер хўжалиги қошидаги консерва цехида тайёрланаётган маҳсулотларни намойиш қилдик, — дейди Бўка тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Абдусалом Худойбердиев. — Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга нечоғли эътибор берилётганини мазкур ярмарка мисолида ҳам кўриш мумкин. Маҳсулотлар ранг-баранг, арзон, муҳими сифатли. Савдосотик билан шуғулланувчи тадбиркорларимизга қандолат маҳсулотлари, болалар пойабзали, айникса маъкул туши. Тадбиркорлар Янгийўлдаги «Кичкинтой» хиссадорлик жамияти, унинг қошидаги «Янги Вега», Чирчиқдаги «Кибо» қўшма корхонаси ва бошқа кўплаб товар ишлаб чиқарувчилар билан ўнга яқин улгуржи харид шартномаси тузди. Фикримча, бундай ярмаркани тез-тез ўтказиб туриш керак.

Ярмаркада ишлаб чиқарувчилар ва савдо қорхонлари ўртасида умумий қиймати 128 миллион сўмдан зиёд 48 шартнома тузилди. Жумладан, «Ангренсавдо» хиссадорлик жамияти 20, «Янгийўлматлуботсавдо» корхонаси 16, хусусий тадбиркор Абдуназаров 10 миллион сўмлик маҳсулотлар шартнома расмийлаштирди.

(ЎЗА).



ХУҚУҚШУНОСЛАР МАСКАНИ

Наманганда юридик коллеж очилиши Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури режа бўйича амалга оширилаётганини яна бир далили бўлди. Коллеж ўрта махсус маълумотга эга бўлган хуқуқшуносларни тайёрлайди. Бундай мутахассисларга талаб кундан-кун ошиб бормоқда.

«Агрорасаноатқурилиш» акциядорлик жамияти қурувчилари бошқа қурилиш ташкилотлари кўмагида собиқ касб-хунар мактаби биносини тўлиқ таъмирлаб берди.

Бўлажак хуқуқшунослар энг замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланган кенг ва шинам хоналарда билим олиш имконига эга бўлди. Ўқитувчиларнинг гапига қараганда, илгари бундай шароит ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Наманганнинг Давлатобод туманида жойлашган бу коллежда ҳар йили 600 нафар ўқувчи таълим олади.

«Тошқишлоқмаш» акционерлик жамияти бош директори Г.Чеврениди металлдан ишланган мураккаб шаклдаги буюмни столга қўйди. У кичкина бўлиб, ўчайтган қушга ўхшарди. Ҳар бир қисмининг сифати аниқлиги ва ишловнинг тозаллиги билан лол қолдирирди. Меъзон бу буюм қандай ясалгани билан қизиқди. Мияга келган биринчи нарсаси-қўлда ишланган.

Асло, бундай эмас. Металлни лазер билан кесиб, унинг махсус дастгоҳда тайёрланган. Компьютер дастурий таъминоти ўрнатилган бундай ускуналар заводда кўп. Бундай дастгоҳда ўн миллиметрдан ўн олти миллиметрча бўлган металлни кесиб, тайёр қисмга исталган шаклни бериш мумкин. Сифати юқори — қўшимча ишлов деярли талаб этилмади.

«Тошқишлоқмаш» бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқаришни такомиллаштириб, ўз фаолиятида янги ён-

си эса 160 миллиметр қалинликдаги пўлатни оператор танлаган ўлчам ва шаклда кесади. Илгари бундай иш учун жуда кўп мутахассислар зарур бўлар эди.

Корхона бундай нобў ускуналарни сотиб олиш учун ҳукумат кўмағида ва ўз ташаб-

бу сифати жаҳон андозалари даражасида бўлиши кафолатланади. Бу ерда нафақат ўз заводи, балки мамлакат кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва таъмирлаш учун юзлаб турдаги қисмларни тайёрламоқда.

Гидравлик цилиндрлар ишлаб чиқариш бўйича цех ташкил этилди. У ўзига хос. Энг замонавий ускуналар ҳозирдаёқ самара бермоқда.

Фахр

озуқа-шоли ўриш техникасини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона тузиш режалаштирилмоқда. Тўпламга тўловчи пресс, диски ўроқлар, галла ўриш комбайни кирди. Уларнинг биринчиси мамлакатимизда техник синовлардан ўтмоқда.

Ички бозорни ўйлаб халққаро бозорга ҳам чиқишмоқда. Туркия компанияларидан бири билан пахта теришида ўзгага кўп бор ишлов бериш учун махсус блоклар етказиб бериш тўғрисида келишиб олинди. Турклар 2005 йил охирига 4000 та шундай блок олиш ниятида. МДХ мамлакатлари ҳам бу техникага қизиқиш билдиримоқда.

(ЎЗА).

Ўтган ой Сербияда президент сайлови бўлиб ўтган эди. Аммо овоз беришда сайловчилар қўлтиганидан ҳам оз катнашгани боис унинг натижаси бекор қилинди.

СЕРБИЯДА ҚАЙТА САЙЛОВ БЎЛАДИ

Энди 8 декабр кун қайта сайлов бўлади. Рўйхатида уч кишининг номи бор. Югославиянинг амалдаги президенти Воислав Коштуница, Сербия радикал партияси раҳбари Воислав Шешел ва Бирилик партияси етакчиси Борислав Пелевич президентлик курсисини учун курашади.

Гарчи, ўтган сайловда 11 нафар номзод қатнашган бўлса-да, асосий кураш икки демократ — В.Коштуница билан бош вазир ўринбосари Миролуб Лабуш ўртасида кечганди. Бу гал эса турли партиялар вакиллари курашади.

Воислав Коштуница сайловчилар билан учрашиб, уларни ўз дастури билан

Демократлар лагеридан низолар радикал гуруҳ раҳбари В.Шешел имкониятларини ошириши мумкин. У

сайловчиларни ўз дастури билан таништирар экан, қорунцияга барҳам бериш, одамларнинг турмуш даражасини ошириши ваъда қилмоқда.

Сербия сайлов комиссияси эса октябр воқеалари тақдорларимизга учун барча қораларни кўрмоқда. Сайловчилар рўйхати кўздан кечириб, сайлов участкалари қўлайтирилмоқда. Қўрилаётган чора-тадбирлар мамлакатнинг чекка вилоятларида яшовчи одамларнинг сайловда тўлиқ иштирок этишини таъминлаши керак.

Шарҳловчи минбари

УММОНДАГИ ҚОРА ДОҒЛАР

Юк кемаларининг ҳалокатидан атроф муҳитга етаётган зарар таъбир ортиб бормоқда. Баъзан телевизор экранидан қанотлари қора мойга беланиб учмоғай ётган қушларни кўриб қоламиз. Сув нефт билан булганган туфайли улар ўлимга маҳкум. Бундай янғили тақдир аянча қанчадан-қанча денгиз мавжудотларининг ҳам бошига тушади.

Ўтган ҳафта Атлантика океанининг Испания соҳилига яқин қисмида содир бўлган ҳалокат йирик экологик фожеани юзга келтирди. «Престиж» танкери қоқ ўртасидан бўлиниб кетди. Унга 66 минг тонна нефт оқланган эди. Танкердан тўкилган катта миқдордаги нефт айникса сув дунёси учун улар қанчалик зарарли. Испания тарққиёт вазирлигидан маълум

қилинишича, ҳозир тўкилган нефт «доғи» бир неча ўнлаб километрлик худудни эгаллаган. Кема сардорининг айтишича, танкерга аввал йўқотилган, океанда бошқарувсиз қолиб, палатисти сузиб юрган контейнер келиб урилган.

«Престиж» фарқ бўлди. Бироқ ундан ҳамон нефт оқиб чиқаётир. Эндиги вазифа нефт сизиб чиқишига йўл қўймаслик ва сув юзасини қора доғлардан тозалашдир. Фожеадан кейинги дастлабки қуллар нефт тозаловчи махсус кемалар об-ҳаво ёмонлиги боис океанга чиқа олмади. Бу вазиятни баттар ёмонлаштирди. Айни пайтда фожеарўй берган жойга Германия, Буюк Британия, Голландия, Белгия ва Франциядан қўшимча кемалар жўнатилган.

Экологларнинг диққат-эътибори Испания соҳилига қаратилган пайтда, Сангандан (Гонконг) ҳам нохуш хабар келди. Панамга қарашли

«Газ Поэм» танкерида ёнган содир бўлди. Хитой ўт ўчирувчилари туни билан ёнгини бостиришга ҳаракат қилди. «Газ Поэм»да 20 минг тонна суялтирилган газ бор эди. Табиийки, ёнган барфараз этилмасса, кемада қучли портлаш юз бериши мумкин. Шу боис ўт ўчирувчилар ёнгини газ сақланаётган бўлмаларга йўталмасликка ҳаракат қилмоқда.

Ўтган ҳафта юз берган ҳодисалардан яна бири бу гал яна Хитой соҳилига тегишли бўлди. Шанба кунги Бохай кўлигида Хитойга қарашли кема Малта танкери билан тўқнашиб кетди. Оқибатда танкернинг бир бўлимасида тешик пайдо бўлди ва ундан нефт сизиб чиқа бошлади. Сўнги хабарларга қараганда, Танцин шаҳри соҳилида ёйилган нефт доғи тўрт километрга қўзилган. Хайриятки, Хитой денгиз хизматининг тезкор ҳаракати туфайли йирик экологик фожеанинг олди олинди.

(ЎЗА).

**Хонада Наманган тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитасининг раиси Неймат Икромов билан вилоят тармок кўмитаси раисининг ўринбосари Рустамжон Муҳаммаджоновлар ниманидир маслаҳатлашиб ўтиришар эди.**

— Тумандаги 3-мактабда маъмурият ва касаба уюшма ташаббуси билан ўқувчилар маънавиятини шакллантириш борасида ибратли ишлар қилинмоқда, — дея гап бошлади Рустамжон. — Айниқса, Фахрий ўқитувчиларнинг иш тажрибалари оммалаштирилса, кўпчиликка нафи тегадир.

М.Тургунов номли мактаб таълим-тарбия бўйича тумандагина эмас, вилоятдаги таниқли зиё масканларидан. Кўпгина ибратли ташаббуслар шу илм масканидан бошлангани ҳам бор гап. Аввало таъкидлаш жоизки, Қумқўрган қишлоғида жойлашган ушбу таълим маскани ўзининг салобатли кўрки билан ажралиб туради.

— Бу жихатга эътиборимизни қучайтиришимизнинг боиси шундаки, — дея сўз бошлади мактабни айландирган директор Мелибой Мерганов. — Ёшлар ўз миллати ва халқининг улуглари амалга оширган буюк ишлардан хабардор бўлиб вояга етса,

улар қалбида ёмонлик учун ўрин қолмайди, аждодлари сингари буюк

## ОРЗУЛАРИ БИР ЖАҲОН

ишларни қилишга бел боғлайди.

— Бу борадаги интилишимиз биринчи галда кўргазма асосида уюштиришга ҳаракат қилдик, — дея директорнинг эъзуликка чорлаган буюк мутафаккир ва маърифатпарварларимиз суратлари ҳамда улар ҳақидаги маълумотлардан ташкил топган кўргазма тайёрланди. Сўнгра мактабимизда узоқ йиллар ишлаган, билим ва тажрибасини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган муаллимлар хотирасини ёдга олишга интилдик. «Биз сизни эслаймиз,

## Ёшлар ва маънавият

меҳрибон устоз, Муқаддас номингиз этгаймиз эъзоз!» деб номланган ушбу бурчакка собиқ муаллимларнинг таълим-тарбия соҳасидаги ишларидан намуналар кўйилди. Улар орасидан мак-

неча йилдири, 11 синф хонаси таъмирланмасдан фойдаланиб келинмоқда. Таъмирлаш учун сарфлаш кўзда тутилган маблағ эса кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ўқувчиларига кийим-кечак ва дарсликлар сотиб олишга йўналтирилган.

Илм даргоҳида узоқ йиллар ишлаб, айна кунда меҳнат нафақасида бўлган собиқ муаллимлар ҳурматини жойига қўйиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Аини кунда қарилган гаштини сураётган 21 нафар устоз-муаллим ҳаминша мактаб жамоатчилиги гамхўрлигидан баҳраманд бўлишмоқда.

Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳаминша улар ҳолидан хабардор бўлиб, рўзгор юмушларига кўмаклашдилар, ёрдамчи тармоқлардан келадиган даромад ҳисобидан моддий кўмак курсатадилар. Хуллас, Қумқўргонда шундай мактаб борки, бу ердаги эзгу ишлардан ҳамма ўрнак олса арзийди!

**О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**



## Хотира уйғонса гўзалдир

**Қарши шаҳридаги «Мотамсора» мажмуаси муқаддас қадамжолардан бирига айланди. Хоким ва жафоқаш она сиймоси гавдалантирилган ёдгорлик пойида хамиша анвойи гуллар яшнаб туради.**

нафари муҳтарам оналаримиздир. Воҳода қариларни кадрлаш йили Давлат дастури ишлаб чиқилган. Аини пайтда

## ЁДГОРЛИК ПОЙИДА АНВОЙИ ГУЛЛАР

Ёдгорлик зинапояларидан авайлаб битта-битта қадам ташлаб бораётган онахон эътиборимизни тортди. Таниш фидойиларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Муҳтарам Носирова экан. Муҳтарам момонини ёдига умрини санъатга бағишлаган, «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Шохсанам ва Фариб», «Отелло» спектаклларида бош ролларни ўйнаган турмуш ўртоғи Мажад Маматов ҳамда унинг устози Неймат Камолов каби ҳамкасблари тушган бўлса ажаб эмас.

Шу пайт кутлуг масканга янги ҳаёт остана-сига қадам қўяётган келин-кўвлар кириб келишди. Қалбида оташин муҳаббат туйғулари жўш урган ўт-олов йигит-қизлар булса ажаб эмас. Шундай ҳолда келин-қизларнинг кўнгли қўйди. Ўз ишида қамол касбий малака, тушуна олиш, барча нарсани катта масъулият каби талаблардан келиб чиқди.

Бугунги кунда «Сўғдиёна» репертуарида турли миллий услуб ва даврлар оид 500 дан ортик асарга эга бўлган юксак профессионал жамоа. Бу озгачи услубдаги ўзбек мусикаси, халқ ижодиёти, ўзбек бастакорлари асарлари, Шарқ ва Фарб мусикасидан. Оркестр фаолияти республикамиз доирасидан чиқиб, халқаро нуфузга эга бўлган. «Сўғдиёна» бир қанча халқаро мусикий фестивалларда иштирок этиб, 1996 йилда Испаниядаги халқаро мусиқа фестивалида лауреат номига сазовор бўлди. Турли халқаро мусиқа анжуманларида совринли ўринларни эгаллади.

марказига 150 минг сўмлик дори-дармон, гигиена воситалари, чой-шаб, сочиқ ва идиш-товоқлар топширилди. Бундай саховатдан фахрийларга хизмат қўраётган 2-вилоят шифохонасида даволанувчилар ҳам баҳраманд бўлди. Шифохонада «Экосан» ва «Нуроний» жамғармалари билан ҳамкорликда «Соғлом мухит — соғлом қариялик» мавзусида мулоқот ўтказилди ва 150 минг сўмлик гигиена воситалари тақдим этилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга эса 100 минг сўмлик дори-дармонлар тарқатилди.

— Кексалар хамиша эъзозда, — дейди Қарши шаҳрида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Исмоил Раҳмонкулов. — Кун кеча «Экосан»чилар даволаниш учун 25 минг сўмлик дори-дармон келтириб беришди. Вилоят марказининг Гулшан маҳалласида «Улмас ёдгорлик» масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан 350 нафар ногирон қатнашган тадбир саховат аймиғига тайинланди. Кечада хомийлар томонидан 2 миллион сўмлик совға-саломлар улашилди.

Хозирги пайтда вилоятда 2976 нафар уруш фахрийларига алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатиш мумкин. Яқинда вилоят меҳнат ва ижтимоий ҳимоя бошқармасига қарашли ногиронларга реабилитация қилиш

209,8 минг киши пенсия ва нафақа билан таъминланмоқда. Уларга ҳар ойда 2 миллиард 422,9 миллион сўм тўланмоқда. Давлат дастурига асосан 27921 кишининг пенсиялари оширилди.

Илмининг ўтган ойларида кекса авлод вақилларини ижтимоий ҳимоялаш учун 47 миллион 509 минг сўм маблағ сарфланди. 834 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож қарияга давлат бюджети ҳисобидан 11 миллион 928 минг сўм маблағ сарфланиб, 8 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювish воситалари етказиб берилди. Фахрийлар, уруш қурбонларининг оилалари, ёлғиз кексалар ва ногиронларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш учун ҳокимликлар, қорхона, ташкилот ва ҳўжаликлар, ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари, саховатпеша тadbirkorлар томонидан 50 миллион сўмдан ортик маблағ сарфланди.

Ёшлар тарбиясида нуруний отахону онахонларимизнинг алоҳида ўрни бор. Қариялар маънавий-маърифат, тарбиявий тадбирларда, ободончилик ишларида бош-қош бўлиб, ўғил-қизларни истиқлол голярига садоқат, буюк келажак учун курашчанлик руҳида тарбиялашга салмоқли хисса қўшмоқдалар.

**И. ТИЛЛАЕВ.**

## АНЪАНАВИЙ ФЕСТИВАЛ

Пойтахтимиздаги «Интерконсендал» меҳмонхонасида «Хунарманд» уюшмасининг анъанавий халқ амалий санъати фестивали кўргазмаси бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Соҳада эришилган ютуқларни намойиш этиш, хунармандларнинг эзгу тажриба алмашишини таъминлашда ушбу тадбирнинг аҳамияти каттадир. Еттинчи марта ўтказилган ушбу фестивалда усталаримиз яратган маҳсулотларни харид этиши учун ҳам кенг имконият яратилди.

Бу ерда уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят бўлимлари хунарманд усталарининг ёғоч ўймакорлиги, қуллоллик, гиламдўзлик, миллий каштачилик, нақошлик, миниатюра, зарғарлик сингари халқ амалий санъатининг қирқдан ортик тури бўйича ишлаб чиқарган маҳсулотларга ўрин берилди. «Хунарманд» уюшмаси 1997 йилда давлатимиз раҳбари Исмоил Каримов ташаббуси билан ташкил этилган эди. У кўп асрлик бой маънавий меросимиз, кадрларимизни тиклаш, халқ амалий санъати ва хунармандчиликни ривожлантириш, «Устоз-шогирд» анъаналарини жонлантиришда самарали фаолият кўрсатаётди. Уюшма аъзолари бир неча йилдири, Европа давлатлари, АҚШ, Япония сингари мамлакатларда ташкил этилаётган халқаро кўргазма, ярмарка, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

(ЎЗА).

## САЛОМАТЛИГИМИЗ ҚЎЛИМИЗДА

**дейди Оққўрган туман марказий шифохонаси бош шифокори Эркин Пирназаров**

Эркин Пирназаров одатдагидек бугун ҳам тонг ёришмасдан эрта турди. Тип-тиник сув юзюда ҳозиргина келинчак ташлаган ахлат уюмлари худди тиник юзга тушган яра-чақадек беўхшов оқиб борарди. У зўр изтироб, оғир ҳаёллар қуршовида узоқ вақт жим қолди.

Кейин «Кечиринг, мени. Аслида бундай қилмаслигим керак эди» дея кўзлари жовдираб уэр сураётган келинчакка ҳеч нарсаси демасдан машинага чиқди. Ахир, нима десин унга. Маҳалла шифокорлари кунора уймай юриб тозалик, саломатлик ҳақида суҳбат ўтказиб бўлишса, эсини тангандан бери, ота-онаси, муаллимлари сувни ифлослантириш оғир гуноҳ эканлигини уқтирган бўсалар, у нима десин яна? Ота табиятга нисбатан жинояткорона муносабатда бўлиш — жаҳолатга юз тутишми, ё лоқайдлик?! Мана ҳозиргина ариққа ахлат ташлаган келинчак. Бу иши билан у ҳамқишлоқлари, биродарлари саломатлигига тузоқ қўяётганлигини англамикин? Эртага бу ифлосланган сувда ёш болаларнинг чўмилмаслиги ёки истеъмол қилиб, касал бўлмаслигига ким кафолат бера олади. Ахир, қўллаб хасталиклар илгизди лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз самараси-ку!

Эркин ака шундай ҳаёллар билан «Гулистон» жамоа ҳўжалигидаги кишлоқ врачлик пунктига етиб келганини сезмай қолди. Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Давлат дастурига биноан аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида яқинда фойдаланишга топширилган ушбу тиббиёт шохобчасининг ташаббускори ва ташкилотчиси бош шифокорнинг ўзи эди. Шунинг учун ҳам у дярлик кунари бу ерда бўлиб, тиббий хизмат сифати ва салмоғини назоратдан ўтказарди. Бу гал қишлоқ врачлик пунктида уни туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси О.Уринбоев ва вилоят тармок кўмитаси ташкилий бўлими мудири Рустам Иноғомов қарши олди. Улар икки кундан бери туман шифокорларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш, дам олиш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш борасида амалга оширилаётган

ишлар билан танишаётган эканлар. Эркин Пирназаров касаба уюшмалари билан олиб борилаётган хайрли ишлар, келгуси режалар ҳақида гапириб, шундай деди:

— Қаерда меҳнат қилувчи қўллаб-қувватланса, етарли шарт-шaroит яратиб берилса, ана шу ерда ривожланиш бўлади. Жамоа шартномасида, аввало, ана шу муҳим жихатга эътибор қаратганмиз. Тармок касаба уюшмалари билан биргаликда шифокорлар манфаатини кўзлаб иш юриятимиз.

Дарвоқе, Эркин ака элга беминнат хизмат қилиш, унинг дардига малҳам бўлишдек қисмат теғрасида қамолга етди, элдошларига меҳри, қолаверса, билими, иқтидори ва ташкилотчилиги билан бош шифокор даражасига кўтарилди. Қарийб 30 йиллик фаолияти давомида туман тиббиёт ходимларининг сарқорига айланди. У ҳеч қачон мансаб, обрў талашмади. Билиминини ошириб боришни, устозлар сабоғидан баҳра олиб, одамлар дардида дармон бўлишни энг катта мансаб, лавозим деб билди.

— Тиббиётда ҳар қанча ўқиб-ўргансанг ҳам қамлик қилади, — дейди у. — Чунки техниканинг ривожланиши билан касалликлар ҳам пайдо бўлмоқда. Шифокор ана шундай оғир хасталикларнинг олдини ола билиши учун доимо замонавий тиббиёт илми билан қуролланган бўлиши шарт.

Шифокорнинг ташкилотчилик қобилияти айниқса, марказий шифохонада раҳбарлик қилгандан сўнгра яққол намоён бўлди. Катта жамоада ҳар бир одамнинг кўнглига йўл топди, улاردан кўмагини аямади. Одамхунлиги эзгу ишларга йўл очди, жамоада ҳамжихатлик, ахиллик қарор топди. Натихада қисқа муддатда шифохонанинг моддий аҳволи яхшиланиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сезиларли тарзда ўсди, даволаш профилакторий муассасалари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Унинг бевосита ташаббуси билан силга қарши кураш диспансери қайта таъмирланди, Оққўрган ОИТС лабораторияси, шунингдек, марказий шифохона қошида жарроҳлик бўлими, ёнида кўйиш шохобчаси ишга туширилди. Тошкент шаҳар ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш билим юрти билан ҳамкорликда минг нафарга яқин ҳамширалар қайта ўқитилди. Хуллас, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳар кун бир янгиллик, ўзгариш, ривожланиш кўзга ташланмоқда. Бу эзгу ишларнинг замирида эса элим, юртим деб ёниб яшаётган фидойи раҳбар, зукко ва билимдон шифокор, қаттиқўл ва меҳрибон устоз Эркин Пирназаров қабилярнинг захматли меҳнатлари ётибди.

**А. НАБИЕВА.**

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ёшлар театрлари, ракс ва мусиқа «Хумо» учинчи халқаро фестивали доирасида «Сўғдиёна» ўзбек миллий чолғу асбоблари камер оркестрининг концерти ўтказилди. Эътиборли жиҳати шундаки, концерт мазкур оркестр ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланди.

## «СЎГДИЁНА» КОНЦЕРТИ

Жамоа ўз фаолиятига аждодларимизнинг қадимий ижро услубларини тиклаш ва сақлаб қолиш, уларни замонавий муҳитга мослаштириш, Шарқ ва Фарб маданиятларини бир-бирига яқинлаштириш, бошқа мамлакатларни ўзбек миллий чолғу асбобларининг ранг-баранглиги билан таништиришни мақсад қилиб қўйди. Ўз ишида қамол касбий малака, тушуна олиш, барча нарсани катта масъулият каби талаблардан келиб чиқди.

Бугунги кунда «Сўғдиёна» репертуарида турли миллий услуб ва даврлар оид 500 дан ортик асарга эга бўлган юксак профессионал жамоа. Бу озгачи услубдаги ўзбек мусикаси, халқ ижодиёти, ўзбек бастакорлари асарлари, Шарқ ва Фарб мусикасидан. Оркестр фаолияти республикамиз доирасидан чиқиб, халқаро нуфузга эга бўлган. «Сўғдиёна» бир қанча халқаро мусикий фестивалларда иштирок этиб, 1996 йилда Испаниядаги халқаро мусиқа фестивалида лауреат номига сазовор бўлди. Турли халқаро мусиқа анжуманларида совринли ўринларни эгаллади.

## «НЕФТЧИ» КҮМУШ МЕДАЛ СОҲИБИ

Фарғонанин «Нефтчи» жамоаси чемпионат бахслари тугашига бир тур қолганда кумуш медални нақд қилиб қўйди. Фарғоналикларнинг сафарда «Дўстлик» устидан эришган йирик ҳисобдаги ғалабаси уларни мунддатидан олдин шундай натижага олиб келди.

Ҳақиқатдан ҳам фарғоналиклар бу йил жуда сармаҳсул ўйинлар кўрсатиб, мухлислар олқишига сазовор бўлдилар. Юрий Саркисян шогирдлари Осие чемпионлар лигаси бахсларида ҳам чиройли ўйинлар кўрсатиб келаятгани мақтовга лойиқ. Умуман бугун Фарғона футболлари ҳақида илқ сўзлар ай-

тиш мумкин. «Нефтчи»дан ташқари «Кўқон-1912» ва яна Қувасойнинг «Цементачи» жамоалари ҳам келаси йилдан олий лига бахсларида иштирок этади. Агар кўқонликлар олий лигада ўз ўринларини сақлаб қолишининг умидасидан чиқсалар, бир вилоятдан ур жамоа олий лигада ўйнайдиган бўлади. Бунинг учун «Кўқон-1912» сўнги турда «Кизилкум»ни өнгса кифоя.

Энди 29-турнинг қолган учрашувлари ҳақида тўхталиб ўтсак. Энг қизиқarli учрашув шубҳасиз Қаршида «Насаф» ҳамда «Кизилкум» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашувнинг бошларида «Кизилкум» футболчилари яққол устунликка эришиб,

қаршилиқлар дарвозасига иккита тўп киритишди. «Насаф» футболчилари эса ўйиннинг сўнги дақиқаларидагина ҳисобни тенглаштиришга эришдилар.

Бу турда сўнги ўринда бораётган «Сўғдиёна» ва «Зарафшон» жамоалари ҳам керакли ғалабага эришдилар. Улардан бир очко олдинда бораётган «Кўқон-1912» футболчилари ўз майдонларида кичик ҳисобда ғалаба қозонди. Чемпионат бахслари тугашига бир тур қолди. Бироқ ким олий лига билан хайрлашади, деган саволга ҳозир ҳеч ким аниқ жавоб бера олмасе керак. Сўнги тур натижалари бу саволга ойдинлик киритади.

**А. ЮНУСОВ.**

## Футбол

### 29-тур натижалари:

«Сурхон» - «Пахтакор» - 0:3	«Самарқанд-Д» - «Трактор» - 0:0
«Дўстлик» - «Нефтчи» - 2:6	«Насаф» - «Кизилкум» - 2:2
«Сўғдиёна» - «Навбахор» - 3:1	«Бухоро» - «Машъал» - 1:1
«Кўқон-1912» - «Металлург» - 1:0	«Зарафшон» - «Андижон» - 2:1

### Турнир жадвали:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	28	24	2	2	84-14	74
2. «Нефтчи»	28	20	3	5	74-31	63
3. «Кизилкум»	29	18	5	6	66-32	59
4. «Насаф»	29	18	4	7	59-34	58
5. «Металлург»	29	13	6	10	39-35	45
6. «Навбахор»	29	13	4	12	30-39	43
7. «Бухоро»	29	12	54	12	37-30	41
8. «Дўстлик»	29	11	2	16	35-45	35
9. «Машъал»	29	9	6	14	34-32	33
10. «Андижон»	29	9	5	15	40-38	32
11. «Самарқанд-Д»	29	9	5	15	24-43	32
12. «Сурхон»	29	9	3	17	34-52	30
13. «Трактор»	29	8	6	15	35-58	30
14. «Кўқон-1912»	29	9	2	18	29-59	29
15. «Зарафшон»	29	8	4	17	37-53	28
16. «Сўғдиёна»	29	8	4	17	30-52	28

## ISHONCH

### МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

### Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чўқи бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топшириди - 21.25

Махсими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақдаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.